

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

6/2018

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Баходир ДЕХҚАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Нематжон АКБАРОВ
Шахноза АХАТОВА
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ
Азиз МИРЗАЕВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк»
Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: Os_odilsudlov@mail.ru
Email: Jurnal@exat.uz

Босишга 2018 йил 13 июнда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — Нашр адади 6450 нусха.

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун — 908;
ташкilotлар учун — 909.

Босмахона манзили:
Ғафур Ғулом номидаги наشريёт-
матбаа ижодий уйи. 100128, Тошкент
шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.....3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.....9

ОЛИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ.....13

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

М. Салимов. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари: янгича қарашлар асосидаги такомиллашув.....17

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

З. Эсанова. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда айрим процесуал институтларнинг роли.....21

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

У. Имомова. Жазо тайинлашнинг мақсади, асослари ва тартиби.....25

А. Абдуразақов. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш муддати ва тартиби.....29

МУНОСАБАТ

М. Маликов. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш....34

МУЛОҲАЗА

А. Мадрахимов, С. Асророва. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — долзарб вазифа.....37

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН

М. Эшимбетов. Маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги).....39

Л. Кадиров. Маъмурий судларда иш юритиш.....43

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ

Э. Туляков. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларнинг аҳамияти.....48

ИҚТИСОД ВА ҲУҚУҚ

Б. Султонов, Р. Бердияров. Солиқ қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....53

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Р. Камалова. Ваҳшийлик.....57

М. Тилеуимбетов. Инсон умрига зомин бўлаётганлар.....58


АХБОРОТ

Пекинда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раислари йиғилиши ўтказилди.....59

Олий судда учрашув.....61

ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....63

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....117



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонлар тортишуви принципнинг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатганидек, адвокатура ханузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган қатор омиллар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, суриштирув ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси остидагилари) олдига киришларига юзаки сабабларга кўра тўсқинлик қилинмоқда, бундай ҳолатларда адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишнинг амалдаги механизмлари адвокатлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатларининг самарали олдини олишни таъминламаяпти;

иккинчидан, адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташкилотларга йўллаётган сўровлари кўп ҳолларда, энг аввало, давлат органларининг мансабдор

Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда, адвокат сўровини кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг (кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб кетган, унинг адвокатлар билан ўзаро ҳамкорлиги статистика йиғиш билан чекланиб қолмоқда ҳамда ортиқча бюрократиядан иборат бўлмоқда;

тўртинчидан, адвокатлик тузилмаларининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари юридик хизматлар кўрсатиш бозорида рақобатнинг ривожланишига хизмат қилмаяпти, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш адвокатлик фаолиятдан ажратилмаганлиги соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

бешинчидан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими юридик амалиётнинг тегишли соҳаларга бўлинишини ҳисобга олмайди, бу эса адвокатлик касбининг ихтисослашувига салбий таъсир этмоқда;

олтинчидан, адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалаларини кўриб чиқишда салмоқли маъмурий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмоқда, натижада адвокатуранинг эркинлиги ва мустақиллигига путур етмоқда;

еттинчидан, билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдини бузиш ҳоллари кўплаб учрамоқда, бу эса ишонч билдирувчиларнинг (ҳимоя остидагиларнинг) норозилигига сабаб бўлмоқда.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юриштишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади, адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади;

лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабаблар-

сиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади;

суднинг адвокатни жинойт содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини белгиланган тартибда ёзма хабардор қилади;

фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассислиги бўйича қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш Олий малака комиссияси хулосасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаати бўйича фақат суд томонидан амалга оширилади;

адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такроран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақланиб қолиниши шарт;

адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарасида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак;

адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат

ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумот-номалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно;

адвокатлик бюроларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳукуки асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган тураржойларида амалга оширишлари мумкин, бунда ушбу тураржойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотураржой тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан, белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этган ҳолда ҳуқуқий маслаҳат хизматлари кўрсатувчи субъектлар доирасини кенгайтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

тижорат ташкилотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин. Бунда қайд этилган ташкилотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

адвокатлик тузилмалари юридик маслаҳат хизматларини Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширади.

Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда икки ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан умумий талабларни назарда тутган ҳолда, Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Адвокатура институтини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Адвокатлар палатасига:

замонавий талаблар, мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз ишини қайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Адвокатлар палатаси ҳузурида малакали юридик ёрдам кўрсатиш стандартлари ва бошқа адвокатлик фаолияти стандартларини ишлаб чиқиш, Адвокатлар касб этикаси қоидаларини қўллаш бўйича Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари, барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган тушунтиришлар бериш, шунингдек, адвокатлик фаолиятининг юксак стандартларини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадиган Этика комиссиясини тузиш;

адвокатура тизимида иш стажига кўра, малака комиссияларининг хулосалари асосида Адвокатлар палатаси раиси томонидан бериладиган адвокатларнинг малака даражаларини таъсис этиш;

Адвокатлар палатаси фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги, шу жумладан, унинг молиявий-иқтисодий фаолияти шаффофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмани автоматик равишда белгиловчи, бир адвокатнинг қайта-қайта жалб этилишига, учинчи шахсларнинг бу жараёнга аралашувига йўл қўймайдиган янгиланган тартиб ва мезонларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан келишган ҳолда уч ой муддатда:

адвокатлик мақомини олиш учун малака имтиҳони жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан, зарур ҳужжатларни онлайн тартибда топшириш имкониятидан фойдаланиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш;

адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатишни (pro bono) ривожлантириш;

адвокатлар томонидан ўз ишонч билдирувчилари (ҳимоя остидагилари)га сифатли юридик ёрдам кўрсатиш учун хорижий давлатлар органларига сўров юбориш механизмларини жорий этиш бўйича чоралар кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шарт;

Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш ҳуқуқига эга;

адвокатларга нисбатан интизомий иш юритуви фақат тегишли малака комиссиялари ёки Олий малака комиссияси қарори билан кўзгатилиши мумкин.

8. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари адвокатлик фаолиятига ҳар қандай шаклларда, шу жумладан, ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахс билан учрашиш ҳуқуқини чеклаш орқали тўсқинлик қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор мансабдор шахсларга, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларига энг қатъий жавобгарлик чораларини кўрган ҳолда, адвокатлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини кучайтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига оид амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жиноий ва маъмурий иш юритиш, фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал қилишда жисмоний ва юридик шахслар ҳимояга бўлган ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини вақти-вақти билан кўриб чиқсин ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 май*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиёти таҳлили, шунингдек, халқ билан бевосита мулоқот натижалари ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

биринчидан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

иккинчидан, жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада самарадор эмаслиги;

учинчидан, алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан, жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги;

тўртинчидан, тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш сифатининг қоникарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши;

бешинчидан, халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан, юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслиги;

олтинчидан, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст даражада эканлиги.

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга ол-

Ушбу Қарор «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

ган ҳолда, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш;

жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш;

жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув органларининг прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритишни автоматлаштириш орқали жорий қилиш;

ҳужжатнинг ягона идентификаторини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг суриштирув органлари, судлар, прокуратура органлари билан интернет тармоғи орқали ахборот алмашинувини таъминлаш;

жиноят ишлари бўйича суриштирув амалиётида жиноят-процессуал ҳужжатларининг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш;

жиноят ишларини юритиш жараёнларини, шу жумладан, жиноят ишлари бўйича электрон иш юритувда тартиб-таомилларни қисқартириш ва ортикча босқичларни чиқариб ташлаш орқали оптималлаштириш;

процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибларини, жумладан, электрон шаклда санкциялар олиш, далилларни тўплаш, экспертизалар, суд муҳокамаси ўтказиш ва суд қарорларини ижро этиш орқали соддалаштириш.

3. **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия** (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Идоралараро комиссия (О. Б. Муродов):

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, «**Электрон жиноят иши**» дастлабки лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этсин ва уларнинг иш режаларини тасдиқласин;

2018 йил 1 декабрга қадар Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида «**Электрон жиноят иши**» дастлабки лойиҳаси (кейинги ўринларда — дастлабки лойиҳа) амалга киритилсин;

2019 йил 1 октябрга қадар дастлабки лойиҳанинг синовлари натижаларидан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича электрон иш юритуви жорий қилиниши муносабати билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

2019 йил 1 декабрга қадар ушбу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаларини киритсин.

Ушбу бандда белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида:

жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги илғор халқаро тажрибани, умумэтироф этилган норма ва стандартларни, жумладан, жойларга чиққан ҳолда ўрганишни;

илмий доиралар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманлари ташкил этишни таъминласин.

5. Дастлабки лойиҳа иштирокчилари рўйхати ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, дастлабки лойиҳани амалга ошириш доирасида:

бир вақтнинг ўзида ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклларида фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Электрон жиноят иши» лойиҳасининг амалга оширилиши ва юритилишига масъул бўлган ваколатли орган ҳисобланади;

иш ўринларини жиҳозлаш, ички локал-ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш тегишли вазирлик ва идоралар — дастлабки лойиҳа иштирокчиларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

алоқа каналлари билан таъминлаш «Ўзбектелеком» АК томонидан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

«Электрон жиноят иши» тизимини яратиш ва жорий этиш, уни дастлабки лойиҳа иштирокчиларининг мавжуд ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарурий чораларни кўриш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш «UNICON.UZ» ДУК томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази билан биргаликда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Идоралараро комиссия раисига юклатилган вазифаларни амалга оширишда вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, республиканинг илмий ва таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар маслаҳатчиларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

8. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижроси учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Идоралараро комиссияга хорижий мамлакатларга сафарларни ташкил этиш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашув ва музокараларни ўтказишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, масъул вазирлик ва идоралар ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий ва амалий чоралар кўрилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 май*



10-1609/17933-СОНЛИ ИШ

(2018 йил 18 апрелдаги
қарордан кўчирма)

Жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича иқтисодий суд учун мажбурийдир

«Agrota`minot-BS» АЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) «D.Kimya sanayi ve Ticaret A.Ş.» компаниясига (бундан буён матнда компания деб юритилади) нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2006 йил 29 сентябрда тузилган 29/09-сонли шартномани бекор қилишни сўраган.

Компаниянинг 2016 йил 15 июлдаги умумий мажлиси қарорига кўра, унинг номи «Daiichi Otomotiv Sanayi ve Ticaret Anonym Şirketi» компаниясига ўзгартирилган ва Истамбул тижорат палатаси томонидан 2016 йил 26 июлда 488736-рақам билан рўйхатга олинган.

Шу сабабли, суднинг 2017 йил 17 январдаги ажрими билан компания «Daiichi Otomotiv Sanayi ve Ticaret Anonym Şirketi» компанияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) билан алмаштирилган.

Жавобгар судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, компаниянинг номи ўзгарганлигини инобатга олиб, даъвогарга 2006 йил 29 сентябрда тузилган 29/09-сонли контрактга 3-сонли қўшимча келишув тузиш мажбуриятини юклаш ва даъвогардан 1 937 700 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 96 885 АҚШ долларига тенг пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 24 январдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган. Жавобгарнинг қарши даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, даъвогар ҳисобидан жавобгар фойдасига 1 937 700 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз, 9 688 АҚШ доллари миқдорида пеня ундирилган. Қарши даъво аризасининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 30 мартдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз колдирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2017 йил 3 июлдаги қарори билан суднинг 2017 йил 24 январдаги ҳал қилув қарори ва 2017 йил 30 мартдаги қарори бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган. Даъвогарнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, даъвогар ва компания ўртасида 2006 йил 29 сентябрда тузилган 29/09-сонли контракт бекор қилинган. Жавобгарнинг қарши даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилган.

Иш юзасидан 2017 йил 30 мартда берилган ижро варақалари бўйича ундирув бекор қилинган.

Кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилинган қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарининг 2017 йил 27 октябрдаги протести асосида иш назорат тартибида ҳайъатда қайта кўриб чиқилиб, кассация инстанцияси судининг 2017 йил 3 июлдаги қарори 2017 йил 6 декабрдаги қарор билан бекор қилинган ва иш кассация инстанцияси судига янгидан кўриб чиқиш учун юборилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 8 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қисми бўйича асос ўзгартирилиб, ҳал қилув қарорининг даъвогардан жавобгар фойдасига пеня ундиришга оид қисми бекор қилинган. Ушбу талаб бўйича янги қарор қабул қилиниб, пеня ундириш тўғрисидаги қарши даъво талабини қаноатлантириш рад этилган. Шунингдек, қарши даъво талабининг қўшимча келишув тузиш мажбуриятини юклаш қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Даъвогардан жавобгарга ундирилган 20 345,85 АҚШ доллари миқдоридаги давлат божи 19 377 АҚШ долларига ўзгартирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Бош прокурор ўринбосари томонидан назорат тартибида келтирилган протестда суд қарши даъво аризасини қаноатлантиришда 2006 йил 29 сентябрдаги шартномага асосланганлиги, лекин ушбу шартноманинг қонуний ва асослилигига ҳуқуқий баҳо бермаганлиги, иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмасдан, қонун талабининг бузилишига йўл қўйилганлиги, кассация инстанцияси судининг қароридан баён қилинган ҳолатлар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаслиги, бундан ташқари, ҳал қилув қарори апелляция инстанцияси суди томонидан ўзгаришсиз қолдирилган бўлса-да, кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгартирганлиги, лекин апелляция инстанцияси судининг қарорини муҳокама қилмаганлиги баён этилган ва иш юзасидан 2017 йил 24 январда қабул қилинган ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 30 мартдаги ва кассация инстанцияси судининг 2018 йил 8 февралдаги қарорларини бекор қилиб, даъво аризаси ва қарши даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш сўралган.

Судлов ҳайъати протестда келтирилган вазларни иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорини бекор қилишни ва янги қарор қабул қилган ҳолда даъво ва қарши даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, компания ва даъвогар ўртасида 2006 йил 29 сентябрда 29/09-сонли шартнома тузилган. Унга кўра, компания ҳақ эвазига даъвогарга омоч сотиш, даъвогар эса маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган. Шартноманинг 3.3-бандига кўра, шартноманинг умумий қиймати 6 100 000 АҚШ долларини ташкил этган.

Шартноманинг 1-иловасига кўра, компания даъвогарга ҳар бирининг баҳоси 12 200 АҚШ долларидадан бўлган 500 дона, умумий қиймати 6 100 000 АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериши лозим бўлган.

Шартнома тарафлари ўртасида 2007 йил 13 февралда шартномага 1-сонли қўшимча келишув имзоланган. Унга кўра, ҳар бирининг нархи 12 200 АҚШ доллари миқдорида бўлган 600 дона қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилишига келишилиб, шартноманинг 3.3-бандидаги умумий сумма 7 320 000 АҚШ долларига ўзгартирилган.

Шартноманинг 13.4-бандига асосан шартнома ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг кучга киради ва 2007 йил 30 июнга қадар амал қилади. Тарафлар томонидан шартноманинг бирор-бир шартни бажарилмаган тақдирда шартноманинг амал қилиш муддати тарафлар келишувига кўра узайтирилиши мумкин.

Томонлар ўртасида тузилган 2007 йил 1 августдаги шартномага 2-сонли қўшимча келишувга кўра шартноманинг 13.4-банди ўзгартирилган.

Қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарган заводда унинг нархи 6 100 АҚШ долларини ташкил этиши, шартнома тузиш жараёнида шартнома тарафлари ўзаро тил бириктириб, товар баҳосини сунъий равишда оширганлик факти суднинг ҳукми билан аниқланиб, даъвогарнинг айрим мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини ҳамда улардан 1 335 123 840 сўм зарар ундирилганлигини асос қилиб, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва тарафлар ўртасида 2006 йил 29 сентябрда тузилган 29/09-сонли шартномани бекор қилишни сўраган.

Шунингдек, жавобгар қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, компаниянинг номи ўзгарганлиги асосига кўра 2006 йил 29 сентябрда тузилган 29/09-сонли контрактга 3-сонли қўшимча келишувни тузиш мажбуриятини юклаш ва даъвогардан 1 937 700 АҚШ доллари миқдорида асосий қарз ва 96 885 АҚШ доллари миқдорида пеня ундиришни сўраган.

Дастлабки даъво талаби ҳам, қарши даъво талаби ҳам тарафлар ўртасида 2006 йил 29 сентябрда тузилган 29/09-сонли контракт юзасидан тақдим этилган.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод (собик Ҳамза) туман судининг 2009 йил 5 декабрдаги ҳукми билан компания ва жавобгар ўртасида 2006 йил 29 сентябрда тузилган 29/09-сонли контракт жамият манфаатларига ҳилоф тарзда тузилганлиги тасдиқланган ва компаниянинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 175-моддаси иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандлари билан, яъни бир гуруҳ шахс бўлган ҳолда олдиндан тил бириктириб, наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш натижасида республика манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганликда айбдор деб топилган.

Бу билан тарафлар ўртасида тузилган контракт Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига ҳилоф равишда тузилганлиги ўз исботини топган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар иқтисодий (собик хўжалик) судида мавжуд бўлган 10-1410/7072-сонли иш бўйича 2015 йил 10 апрелда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан компаниянинг даъвогарга нисбатан тақдим қилган даъво ари-

засини қаноатлантириш 2006 йил 29 сентябрда тузилган шартнома ҳақиқий ҳисобланмаслиги сабабли рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК) 73-моддасининг иккинчи қисмига кўра, иқтисодий суднинг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд худди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмайди, тўртинчи қисмига кўра, жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар қимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича иқтисодий суд учун мажбурийдир.


Жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми ва иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорида тарафлар ўртасида тузилган контракт ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги кўрсатилган бўлса-да, судлар ушбу ҳолатга эътибор қаратмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

ИПК 322-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, иш юзасидан биринчи инстанция судининг 2017 йил 24 январдаги ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 30 мартдаги ва кассация инстанцияси судининг 2018 йил 8 февралдаги қарорини бекор қилиш, даъво ва қарши даъво қаноатлантиришни рад этиш, суд ҳаражатларини даъво ва қарши даъво талабларига мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклаш, жумладан, даъво талаби бўйича ишни биринчи инстанция судида кўриш учун 1 302 400 сўм, апелляция инстанцияси учун 651 200 сўм, кассация инстанцияси учун 651 200 сўм, жами 2 604 800 сўм давлат божини даъвогар зиммасига юклаш, апелляция ва кассация шикоят билан мурожаат қилишда даъвогар томонидан 1 497 750 сўм тўланганлигини инобатга олган ҳолда, даъвогардан 1 107 050 сўм давлат божи ундириш, қарши даъво талаблари бўйича ишни биринчи инстанция судида кўриш учун 1 497 750 сўм ва 20 345,85 АҚШ доллари, апелляция инстанцияси учун 748 875 сўм ва 10 178,93 АҚШ доллари, кассация инстанцияси учун 748 875 сўм ва 10 178,93 АҚШ доллари, жами 2 995 500 сўм ва 40 691,70 АҚШ доллари миқдоридаги давлат божини жавобгар зиммасига юклаш, жавобгар томонидан қарши даъво тақдим этишда 1 497 750 сўм ва 20 345,85 АҚШ доллари миқдорида давлат божи тўланганлигини инобатга олган ҳолда, жавобгардан 1 497 750 сўм ва 20 345,85 АҚШ доллари миқдорида давлат божи ундириш лозим бўлади.

* * *



СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ: ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР АСОСИДАГИ ТАКОМИЛЛАШУВ

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, бунинг учун суд тизимини демократлаштириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, суд ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда.

Хусусан, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳрири, Иқтисодий процессуал кодекс ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилинди, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда Жиноят-процессуал кодексига муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2018 йил 1 апрелдан кучга кирган янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексининг қабул қилиниши натижасида:

биринчидан, фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби такомиллашди, иш юритишнинг соддалаштирилган тартиб-таомиллари кенгайтирилди, эски нормалар замон талабларига мослаштирилди;

иккинчидан, соҳада мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилди, сансалорликларнинг олди олинди, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиши учун янада кенг имкониятлар яратилди;

учинчидан, фуқаролик суд ишларини юритишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади, бу эса ўз навбатида, фуқароларнинг вақт ва маблағларини тежашга хизмат қилади;

тўртинчидан, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг процессуал тартиблари белгиланди;

бешинчидан, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янада мукамаллашди.

Кодексдаги асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

– биринчи инстанция судларида сансалорликларга йўл қўймаслик мақсадида аризани ҳаракатсиз қолдириш институти тугатилиб, унинг ўрнига аризани қайтариш институти киритилди;

– амалдаги таҳрирдаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида Кодекс вояга етмаган шахсни тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ҳамда йўқолган суд ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни кўришга оид нормалар билан тўлдирилди;

– судга мурожаат этиш шакллари белгиланди (даъво аризаси, ариза, шикоят (протест));

– фуқаролик ишини электрон тарзда шакллантириш киритилди;

– суд ҳужжатлари билан боғлиқ (ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва суд буйруғи) тушунчалар тўлиқ баён қилинди;

– Кодексга фуқаролик суд ишларини юритиш принципларини ўз ичига олган янги боб киритилди;

– суд мажлисини аудио- ва видео қайд этиш белгиланди;

– даъво аризаси (ариза)ни кўрмасдан қолдириш асослари аниқлаштирилди, шунингдек биринчи инстанция судининг ўзи томонидан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш тартиби қисқартирилди;

– келишув битимини тузиш ва тасдиқлаш, чет давлат судлари ва ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ҳамда ижро этиш, фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки ва бошқалар бўйича янги боблар Кодексга киритилди;

– фуқаролик суд иш юритувининг иштирокчилари рўйхати кенгайтирилди;

– апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судига ишни янгидан кўриш учун юбориш бўйича ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш тартиби жорий қилинди;

– назорат инстанциясида иш юритишни белгиловчи нормалар тубдан қайта кўриб чиқилди, эндиликда назорат инстанциясида ишлар нафақат Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг протести асосида, балки назорат шикояти асосида ҳам кўриб чиқилади;

– суд ҳужжатларини ижро этиш бўйича нормалар такомиллаштирилди.

Маъмурий судлар ҳал этадиган муносабатларни тартибга солиш заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилинди ва 2018 йил 1 апрелдан кучга кирди.

Ушбу Кодекснинг қабул қилиниши натижасида ҳар бир шахснинг Конституцияда белгиланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг механизмлари аниқ баён этилди.

Маъмурий судлар томонидан фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган бошқа ишларни ҳал қилиш асослари ва тартиби алоҳида процессуал кодекс даражасида мустаҳкамланди.

Бундан буён жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқаруви органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан суд орқали ҳимояланиши процессуал ҳуқуқий жиҳатдан таъминланади.

Ўз навбатида, давлат бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низоларни ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қабул қилган қарорлари қонунийлиги устидан суд назоратини таъминлашнинг демократик механизми ҳам яратилди.

Кодексда давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар ҳолис, қатъий белгиланган процессуал тартиб-қоидалар асосида ошқора, тортишувчанлик тамойиллари асосида кўрилиши, судда мурожаат этувчига ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун далиллар тақдим қилишга қулай шароит яратиб берилиши, суд қарори устидан шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш механизмлари, суд томонидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашнинг қатъий тартиб-таомиллари белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, Кодекс орқали маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартиби белгиланди, давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг замонавий тартиб-таомиллари жорий этилди.

Қайд этиш керакки, Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинганидан буён орадан 20 йил ўтди. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши, шунингдек суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар янги Иқтисодий процессуал кодексни қабул қилишни заруриятга айлантирди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилинди ва 2018 йил 1 апрелдан кучга киритилди.

Иқтисодий процессуал кодекс 5 бўлим, 37 боб ва 347 та моддадан иборат бўлиб, унинг қабул қилиниши натижасида:

биринчидан, иқтисодий судларда ишларни юритиш тартиби такомиллашди, жумладан қонунчилик ва амалиётдаги айрим камчиликлар бартараф этилди;

иккинчидан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш механизмлари такомиллашди, бу эса мамлакатда тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади;

учинчидан, иқтисодиёт соҳасида қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари янада такомиллашди;

тўртинчидан, иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-

бузарликларнинг олдини олиш бўйича янги ҳуқуқий асослар яратилди.

Янги Кодекснинг амалдаги қонунчиликдан фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

– судга мурожаат этиш шакллари белгиланди (даъво аризаси, ариза, шикоят (протест));

– ишларни ҳал қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгроқ фойдаланишга оид нормалар, жумладан, суд мажлисини аудио- ва видео қайд этиш белгиланди, судларга электрон мурожаат этиш, суд ҳужжатларини тарафларга электрон юбориш тартиби жорий этилди;

– йўқолган суд ишини ва ижро ишини юритишни тиклаш тўғрисидаги ишларни кўриш тартибини белгиловчи нормалар акс эттирилди;

– мураккаб тоифадаги ишларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида айрим низоларни ҳал этиш вилоят даражасидаги иқтисодий судлар судловига ўтказилди;

– низоларнинг тезкор кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида судловлиликнинг умумий қоидалари ўзгартирилди;

– иқтисодий суд иш юритувининг иштирокчилари рўйхати кенгайтирилди, одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахс сифатида «мутахассис» киритилди;

– шартномавий (ихтиёрий) вакилларнинг рўйхати келтирилди, шунингдек судда иш юритишда вакил сифатида профессионал фаолиятни фақат адвокат амалга ошириши белгиланди;

– низоларнинг самарали ҳал қилинишини таъминлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга қўмаклашиш мақсадида низоларни тарафларни ўзаро келиштириш асосида ҳал қилишга бағишланган келишув битимида оид янги боб киритилди;

– суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш, суд музокараси, апелляция, кассация шикояти (протести)ни иш юритишга қабул қилишни рад этиш, апелляция, кассация шикояти (протести)ни кўрмасдан қолдириш каби институтлар киритилди;

– апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юбориш бўйича ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш тартиби жорий қилинди;

– назорат инстанциясида иш юритишни белгиловчи нормалар тубдан қайта кўриб чиқилди, эндиликда назорат инстанциясида ишлар нафақат Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг протести асосида, балки назорат шикояти асосида ҳам кўриб чиқилади;

– суд ҳужжатларини ижро этишга оид нормалар такомиллаштирилди.

Умуман, иқтисодий судларда ишларни юритиш тартиби такомиллашди ва бу билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш имконияти кенгайди.

М. САЛИМОВ,
Олий суд судьяси

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЙРИМ ПРОЦЕССУАЛ ИНСТИТУТЛАРНИНГ РОЛИ

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида маъмурий, жиноят ва фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида суд-тергов жараёнларининг шаффофлигини ошириш, тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойилини мустақамлаш, жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид илғор халқаро стандартларни жорий этиш¹ вазифалари белгиланди. Дарҳақиқат, мазкур процессуал институтлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, **тарафларнинг тортишувчанлиги (adversarial proceedings) принципи** процессуал ҳуқуқ назарияси ва амалиётида алоҳида эътиборга молик. Фуқаролик суд ишларини юритишда тортишувчанлик жараёнида барча процесс иштирокчилари қатнашади. Аммо, судьянинг тортишувчанликдаги иштироки баҳслидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 19-моддасига кўра, иш муҳокамаси чоғида вужудга келадиган барча масалалар судья томонидан яқка тартибда, иш судьялар хайъатида кўрилаётганда эса, судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Судьянинг ҳаракатлари нафақат суд муҳокамаси жараёнида, балки ариза қабул қилингандан бошлаб, иш ниҳоясига етиб, қарор ижрога юборилгунга қадар, қонунда белгиланган асослар бўйича ва кўрсатилган ҳолларда юқори инстанция судларида кўрилгунча давом этади. Бирок, судья суд жараёнидаги тортишувчанлик ва ҳатто исботлаш субъекти ҳам эмас. ФПКнинг 72-моддаси мазмунига кўра, суд далилларни муҳокамага кўяди, тарафларга кўшимча далилларни тақдим қилишни таклиф этиши мумкин, далилларни тўплашда тарафларнинг илтимосига кўра кўмаклашади (далилларни олиш қийинчилик туғдирса).

ФПКнинг 10-моддасида тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принциплари белгиланган. Шунингдек, гарчи суд раҳбарлиги (суд бошқаруви) принципи миллий қонунчилигимизда кўрсатилмаган бўлса-да, ФПКнинг 211-моддаси «Суд мажлисида раислик қилувчи» деб номланиб, унга кўра, суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади.

Суд мажлисида раислик қилувчи суд мажлисини бошқариб, ишнинг барча ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона аниқланишини, суд процессининг тарбиявий таъсирини таъминлай-

ди, кўрилатган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд муҳокамасидан четлатади.

Ишда иштирок этувчи шахслардан, гувоҳлардан, экспертлардан, мутахассислардан, таржимонлардан бирортаси раислик қилувчининг хатти-ҳаракатларига эътироз билдирган тақдирда, бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига киритилади ва масала суд томонидан ҳал қилинади. Раислик қилувчи суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш учун зарур чоралар кўради.

ФПКнинг 15-моддасига кўра, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

Суд мажлисида тарафлар сифатида даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда биргаликда иштирок этувчилар қатнашадилар. Шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи прокурор, давлат бошқаруви органлари ҳам «процессуал маънодаги тарафлар» саналади ҳамда улар бу жараёнда иштирок этади. ФПКнинг 54-моддасида кўрсатилган гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тортишувчанлик жараёнида қатнашиши мумкин.

Назарий таҳлилларга кўра, тортишувчанлик жараёнининг актив ва пасив иштирокчилари бўлади. Даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда биргаликда иштирок этувчилар, шунингдек прокурор, давлат бошқаруви органлари актив иштирокчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар эса пасив иштирокчи сифатида қатнашади.

Исботлашнинг асосий мақсади ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлашдан иборат.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишида кўмаклашиши керак. Айнан шу маънода суд (судья) исботлаш субъекти эмас, у тортишувчанлик принципининг тарафи бўла олмайди, суд жараёнини бошқариб, суд мажлисининг барча босқичларида қонунийликни таъминлайди.

Суд муҳокамасининг сир тутилиши (confidentiality of judicial deliberations).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида кўрсатилганидек, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиниш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Мазкур конституциявий қоидалар ФПКнинг «Судьяларнинг мустақиллиги

ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши» номли 9-моддасида кўрсатилган бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар.

Суд музокараларини эшитганидан кейин суд ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқиб кетади, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади (ФПКнинг 247-моддаси).

Судьянинг алоҳида фикри (dissenting opinion of judge).

Фуқаролик иши биринчи инстанция судида судья томонидан яқка тартибда кўрилганда алоҳида фикрга зарурат бўлмайди. Ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида кўришда, шунингдек ишларни янги очилган ҳолатлар бўйича юқори инстанцияларда қайта кўриш жараёнида судьянинг алоҳида фикри берилиши мумкин.

Ишни судьялар ҳайъати кўраётганида масала судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Масала ҳайъат таркибида ҳал қилинаётганида судьяларнинг бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради.

Озчилик томонида қолган судья суд ҳужжатини имзолаши шарт ва алоҳида фикрини ёзма шаклда баён қилишга ҳақли. Судьянинг алоҳида фикри конвертга солиниб, муҳрланган ҳолда ишга қўшиб қўйилади, бироқ ўқиб эшиттирилмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди. Юқори инстанция суди судьянинг алоҳида фикри билан танишишга ҳақли.

Алоҳида фикрнинг зарурати қуйидагилар билан изоҳланади:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини самарали ҳимоя қилиш;
судлар фаолиятида демократик принципларга риоя қилишни таъминлаш;
судьяларнинг моддий ва процессуал нормаларга риоя қилишини кучайтириш;

судьялар мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий принципларга оғишмай амал қилиш;

қонунийлик, асослилик, адолатлилик, ички ишонч принципи судьянинг ўзи учун ҳам мажбурийлигини кафолатлаш;

судьяларнинг ўз-ўзини назорат қилишини таъминлаш, масъулиятини ошириш, жавобгарлигини кучайтириш.

Қонун ҳужжатларида алоҳида фикрнинг шаклига талаблар қўйилмаган. Аммо, Н. Н. Болдырова² алоҳида фикр кириш, баён, асослантурувчи ва қарор қисмларидан иборат бўлиши, шунингдек унда қайси фуқаролик иши, ишни кўриш таркиби, иш кўрилган йил ва сана, алоҳида фикрни ёзган судьянинг фамилияси, исми ва бошқа маълумотлар берилиши керак, деб ҳисоблайди. Алоҳида фикр ҳам ҳал қилув қарори каби қонуний, асосланган ва адолатли

бўлиши зарур.

Г. П. Муратшина³нинг таъкидлашича, англо-саксон ҳуқуқ тизимида алоҳида фикрнинг иккита категорияси мавжуд:

судья кўпчиликнинг фикри (қарори) билан келишади, аммо ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмига қўшимча фикр киритади (қўшилиш (ҳамкорликдаги) ҳақидаги алоҳида фикр (concurring opinion, concurrence);

судья кўпчиликнинг фикри (қарори) билан тўлиқ келишмайди (dissenting opinion, dissent).

Умуман олганда, алоҳида фикрнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари мавжуд:

алоҳида фикр судья(лар)га муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди, ишни кўраётган судья(лар)нинг кўрилаётган масалага нисбатан жавобгарлигини қучайтиради;

алоҳида фикр иш қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилда ёзилиши керак;

алоҳида фикр, гарчи суд қарорининг таркибий қисми бўлмаса-да, суд қарорларига қўйилган талаблар (қонунийлик, асослилик, адолатлилик)га жавоб бериши лозим;

алоҳида фикрнинг асоси ва мақсади асосланган бўлиши зарур;

алоҳида фикр процессуал ҳужжатдир;

алоҳида фикр суд ҳал қилув қарорининг таркибий қисми эмас, аммо унга илова қилинади;

алоҳида фикр ҳал қилув қарорининг қисми эмас, уни расмийлаштириш қоидалари ҳақида муайян талаблар йўқ;

алоҳида фикр – озчилик томонда қолган судьянинг ўз фикрларини ифодалашига имконият ва ҳуқуқ беради;

алоҳида фикр судьянинг обрўсини туширмайди, аксинча, кўтаради, малакасини оширади.

**З. ЭСАНОВА,
юримдик фанлар доктори,
профессор**

¹Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион зоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури.

²Болдырева Н.Н. Особое мнение судьи в гражданском процессе./Электронный научный журнал Курского государственного университета, 2014. №2; (Electronic resource).

³Муратшина Г.П. Институт особого мнения судьи в гражданском процессе: состояние и проблемы./ Вестник Бурятского государственного университета. 2014 №2, (Electronic resource).

ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ МАҚСАДИ, АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Соҳибқирон Амир Темур «Куч – адолатда» деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу боис, Президентимиз томонидан адолат тамойили кун тартибидаги энг устувор масалалардан бири сифатида илгари сурилмоқда. Бу борада суднинг аҳамиятига изоҳ беришга ҳожат йўқ.

Маълумки, жазо тайинлаш судда иш юритишнинг энг масъулиятли қисми ҳисобланади. Жиноят учун жазо тайинлаш фақат судга тегишли ваколатдир. Жазо тайинлашда жиноят қонунининг адолатлилиқ принципи амалда намоён бўлади ва бу принцип одил судловнинг бош мезони ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасига кўра, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат томонидан суд ҳукми асосида қўлланиладиган ва маҳқумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жиноий жазо бошқа мажбурлов чораларидан қуйидаги ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади:

жиноий жазо жиноят қонунида қатъий белгиланган бўлади. Суд жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга қонунда белгиланган жазонигина тайинлайди, бошқа жазоларни давлат номидан қўллаш ёки жиноят қонуни санкцияларидан четга чиқишга йўл қўйилмайди. Давлат мажбурловининг алоҳида шакли бўлган жазо жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан қўлланилади;

жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади. Бу қоида Жиноят кодексининг 42-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жазодан озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳам фақат суд томонидан амалга оширилиши мумкин;

жиноий жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатангина қўлланилади. Маҳқум жазонинг ижросидан қочганда ҳам жазо маҳқумнинг оила аъзоларига ёки яқин қариндошларига нисбатан қўлланиши мумкин эмас. Айбдор шахсга жазо қўлланиши билан боғлиқ бўлган мулкӣ тўловлар унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларидан ундирилмайди;

жиноий жазонинг мазмуни шахсни озодликдан маҳрум қилишда ёки ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашда ифодаланади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш оқибатида у озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш ва қamoқ жазolari қўлланилганда маҳкум жамиятдан ажратилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилганда шахсининг эркин касб танлаш ҳуқуқи, муайян лавозимни эгаллаши чекланади;

жиноий жазо давлат хусусиятига эга. Яъни, шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш, жазо, унинг аниқ тури ва миқдорини белгилаш фақат махсус давлат органи, алоҳида ҳокимият – судга тааллуқли бўлиб, давлатнинг бошқа органилари ёки жамоат ташкилотлари уни қўллай олмайди. Суд ҳукми давлат номидан чиқарилиб, барча давлат, жамоат муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўзсиз ижро этилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси жазонинг давлат хусусиятига эга эканлигини ифодалайди;

судланганлик шахсининг фақат жиноий жазога тортилганлиги туфайли келиб чиқади. Жазо тайинланган, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса судланмаган ҳисобланади. Судланганлик муддатининг тугаши ёки судланганликнинг олиб ташланиши билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Судланганлик муддатининг тугаши шартли ҳукм қилинганларга нисбатан, хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилган шахсларга нисбатан вужудга келади. Судланган шахс жазони ўтагандан сўнг расмий ҳужжатлар тўлдирганида судланганлигини ёзишга мажбур бўлади;

жазо жиноят содир этган шахсни содир этган қилмиши учун жазолашдир. Жазонинг зўрлов, мажбурлов томони жиноятчини жисмоний, мулкӣ, маънавий ва бошқа жиҳатлардан маълум даражада чеклаш ва маҳрум қилишдан иборатдир. Суд шахсни озодликдан маҳрум этганда унинг истаган жойда яшаш ҳуқуқини чегаралаши, муайян мансабни эгаллаши ёки муайян иш билан шуғулланишини чеклаши мумкин;

жиноий жазонинг вазифаси фақатгина содир этилган қилмиш учун жазолаш бўлмай, маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялаш ҳамдир. Жиноятчиларни тузатиш учун тарбиялашнинг алоҳида воситаси бўлган жиноий жазо чоралари зарурдир. Шу билан бирга, кам аҳамиятли ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни содир қилган шахс жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиниб, маъмурий, интизомий ёки жамоат таъсир чораларини қўллаш йўли билан ҳам тарбияланади.

Жиноий жазо давлатнинг бошқа мажбурлов чораларига яқин бўлиб кўринсада, улардан фарқ қилади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича чиқариладиган суд қарори ҳам Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади ва мажбурий хусусиятга эга бўлади. Лекин, фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган унди-

рув тўғрисидаги қарор мулкӣ ёки бошқа хусусиятдаги даъволар юзасидан чиқарилади ва у жазо ҳисобланмайди. Бу хилдаги таъсир чоралари бевосита шахснинг ўзига қаратилмайди ва шахс учун судланганлик сингари юридик оқибат келтириб чиқармайди.

Жиноий жазо давлат мажбурловининг алоҳида шакли сифатида юридик адабиётларда ҳуқуқий категория сифатида баҳоланади. Жиноий жазо жиноятчи шахси, жамиятнинг бошқа аъзолари ва жамиятнинг ўзига таъсир қилиши билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораларининг мажмуидир. Бу давлатнинг жиноятчиликка қарши сиёсатини режалаштириш ва амалга ошириш, жиноят ва жиноят-ижроия қонуни талабларини бажариш имконини беради.

Жиноят кодексига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Қонунда белгиланган жазонинг мақсади – ижтимоий адолатни тиклашдир. Жазо содир этилган жиноят ва айбдорнинг шахсига мувофиқ бўлиши, жабрланувчи ва унинг яқинлари олдида, давлат ва бошқа органлар ҳамда жамият олдида адолатни тиклаши, жиноятнинг оғирлигига мувофиқ келиши лозим;

Жиноят кодексининг 10-моддасига кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Жазо тайинлашда жиноят содир этилишининг ҳар бир босқичини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, улар қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгилайди.

Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона, яъни жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражасига мувофиқ бўлиши керак. Жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши жазонинг мақсадларига эришишни назарда тутати.

Фуқаро Жиноят кодексига кўрсатилган жиноий қилмишни содир қилсагина, суд фақат жиноят қонуни нормаларини қўллаб, шахсга нисбатан адолат ва инсонпарварлик принципларига қатъий риоя қилган ҳолда жазо тайинлайди. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 2006 йил 3 февралдаги қарорида жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланган.

Маълумки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларидаги санкциялар муқобил санкция тариқасида берилган бўлиб, суд жазо тайинлашда фақат ана шу санкцияда кўрсатилган жазолардан бирини асосий жазо сифатида тайинлайди. Бунда суд тайинлаш учун танлаган жазо турининг миқдори ва муддати шу санкцияда кўрсатилган доирадан ташқарига чиқмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигида жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги жазо турлари назарда тутилган: жарима; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; ахлоқ тузатиш ишлари; хизмат бўйича чеклаш; мажбурий жамоат ишлари; интизомий қисмга жўнатиш; озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш; умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Қонунда белгиланган жазо турлари рўйхати қатъий ва узил-кесил ҳисобланади. Суд маҳкумга фақат жиноят қонунчилигида назарда тутилган жазони тайинлаши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инobatга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилди.

Жиноий жазолар тизимига мажбурий жамоат ишлари жорий этилиб, қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тури бекор қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз жиноят қонунида жазо тизими ва жазо тайинлаш институти халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жазо тизими ва жазо тайинлаш институтини назарий ва амалий муаммоларини аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб боришни такозо этади.

У. ИМОМОВА,
Олий суд судьяси

ЖИНОЯТ ИШИНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-боби жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашга бағишланган.

Жумладан, мазкур Кодекснинг 395-моддасига мувофиқ судья жиноят ишини айблов хулосаси билан ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, ишни судда кўриш учун тайинлаш, жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш, жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш ҳамда дастлабки тергов ёки суриштирувнинг техник йўсиндаги камчиликларини бартараф этиш учун ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаган прокурорга юбориш тўғрисида ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради.

Бироқ, бу қоида судга томонларнинг ярашганликлари муносабати билан юбориладиган жиноят ишларига нисбатан татбиқ этилмайди ва бу ҳолат қонундаги бўшлиқлардан бири ҳисобланади.

Яъни, томонларнинг ярашганликлари муносабати билан судга юборилган жиноят ишини ҳам тегишли тартибда ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда суд мажлиси ўтказиладиган жой ва вақтни белгилаш талаб этилади.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб, етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч суткагача узайтирилиши мумкин.

Бу ҳолатда суднинг раиси қандай ҳужжат қабул қилиши ҳам қонунда ўз аксини топмаган.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 396-моддасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар қатъий белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим:

- 1) ишнинг мазкур суд судловига тегишлилиги;
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар;
- 3) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асосларнинг етарлилиги;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганлиги;

5) ишни бирлаштиришда ёки ажратишда ушбу Кодекснинг 332-моддаси талабларига риоя этилганлиги;

6) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танлангани;

7) жиноят оқибатида етказилган мулкый зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилгани;

8) айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ушбу Кодекснинг талабларига мувофиқ тузилгани.

Бироқ, қонунда бу борада ҳам бўшлиқлар мавжуд бўлиб, айрим ҳолатларда жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумга нисбатан келиб тушган жиноят иши бўйича маҳкумни суд мажлисига келтириш учун муайян вақт талаб қилинади.

Қонунда эса, суд томонидан жиноят ишини судда кўришни тўхтатиш учун иккита асос мавжуд. Яъни, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги ва суддан яширинганлиги.

Қонуннинг ушбу талаби асосида суд мажлисини белгилаш эса ишни кўриш муддати сунъий чўзилишига олиб келади.

Жиноят-процессуал кодексининг 397-моддаси талабидан келиб чиқиб, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда:

1) қарорнинг қачон ва қаерда чиқарилгани;

2) судьянинг лавозими ва фамилияси;

3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, Жиноят кодексининг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси;

4) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги хулоса;

5) судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор;

6) суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячининг иштироки;

7) суд муҳокамаси ўтказилмаган жой ва вақт кўрсатилиши лозим.

Амалиётда бир суднинг ёки судьянинг иш юритувидаги жиноят иши бошқа судга ёки судьяга ўтказилганида ишни янгидан бошқа таркибда кўраётган суд ёки судьянинг юқоридаги қарорларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ваколати, суд процесси муддати қачондан ҳисобланиши қонунда кўрсатилмаган. Бу эса, судларда турлича амалиёт шаклланишига олиб келган.

Яъни, айрим судлар муддатни биринчи судья ишни муҳокама қилишни бошлаган пайтдан, бошқа судлар жиноят ишини ўз иш юритувида олиб, суд муҳокамасини бошлаган вақтдан ҳисобламоқда.

Жиноят-процессуал кодексининг 398-моддасида судья суриштирув ёки дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкый зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, суриштирувчи ёки терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклаш белгилаб қўйилган бўлиб, амалиётда бу талаб эътибордан четда қолдирилмоқда.

Жиноят-процессуал кодексининг 399-моддасига кўра, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишни юритишни тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқариши (Жиноят-процессуал кодексининг 410 ва 418-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), айти чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилиши, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирда, айбланувчи соғайгунга қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқариши лозим.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлигини аниқлаш мақсадида тайинланган суд-тиббий экспертизаси хулосаси олиниши ҳам маълум муддатни талаб қилади, бу ҳолатда экспертиза тайинлангандан сўнг эксперт хулосаси олингунига қадар бўлган вақт оралиғи ҳам процессуал муддатга киритилмаслиги керак.

Бошқа ҳудудда жазо муддатини ўтаётган судланувчини суд процессига этап қилиб келтириш вақтини процессуал муддатга киритмаслик лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 400-моддаси талабига кўра, Жиноят-процессуал кодекси 399-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов далолатномаси ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

Айбланувчи (судланувчи) топилиб, жиноят иши судга мазмунан кўриш учун юборилгач, судья ишни кўришни қайтадан бошлаш тўғрисида ажрим қабул қилади.

Лекин, судья қанча муддат ичида бу мазмундаги ажримни қабул қилиши лозимлиги мавҳум бўлиб қолмоқда.

Жиноят-процессуал кодексининг 401-моддасига мувофиқ Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида ҳамда 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади, қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар масаласини ҳал этади.

Суд Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳақли.

Ишнинг тугатилгани тўғрисида айбланувчи ва жабрланувчига хабар берилади.

Лекин, Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида реабилитация учун асослар назарда тутилган бўлиб, суд шахснинг айбсизлигини тасдиқламасдан туриб, ишни тугатиши ноўрин ҳисобланади. Яъни, реабилитация учун асос фақат суднинг оқлов ҳукми ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 401¹-моддасида суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар, шу жумладан ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик хатолар аниқланган тақдирда, судья уларни бартараф этиш учун ишни прокурорга юбориши назарда тутилган.

Техник йўсиндаги камчиликлар бартараф этилганидан ва иш прокурор томони-

дан қайтарилганидан кейин беш сутка ичида суд ушбу Кодексида белгиланган умумий қоидаларга кўра, жиноят ишини судда муҳокама қилиш учун тайинлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.

Суд ажримда дастлабки тергов жараёнида йўл қўйилган техник йўсиндаги камчиликлар билан бирга дастлабки тергов органи томонидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини кўрсатишга ҳақли ёки ҳақли эмаслиги аниқлаштирилмаган. Ваҳоланки, бу ҳолатларни кўрсатиш иш кўришининг асоссиз чўзилишини олдини олишга, адолатли қарор чиқарилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 4 апрелдаги 3/20/11-121-18/2/01-02/22-29-сонли қарори билан тасдиқланган «Жиноятларни, уларни содир этган шахсларни, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суднинг процессуал қарорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 54-бандида дастлабки терговдаги техник йўсиндаги камчиликларни бартараф этиш учун жиноят иши прокурорга қайтарилганида, шахсга нисбатан тўлдириладиган 6-шакл қарточка, албатта, жиноят ишини рўйхатга олган ички ишлар бўлимларига юборилиши лозимлиги кўрсатилган. Бу қоида талаби ҳам албатта бажарилиши лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 402-моддасида процесс иштирокчиларини жиноят иши материаллари билан таништириш назарда тутилган. Судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинланганидан сўнг прокурор, химоячи, жамоат айбловчиси, жамоат химоячиси, шунингдек судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига, башарти улар суриштирув ёки дастлабки тергов даврида иш материаллари билан таништирилмаган бўлсалар, ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишларига имконият яратиши шарт.

Қонуннинг ушбу талаби бажарилмаслиги Жиноят-процессуал кодекси нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланади ва келгусида суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 403-моддасига кўра, судья ўз қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш бериши, уларга чақирув қоғози топширилишини таъминлаши, шунингдек суд мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа чораларни кўриши лозим.

Айни вақтда процесс иштирокчиларини суд процессига чақиртиришда техника воситалари ёрдамидан (телефон, факс ва бошқалар) фойдаланилмоқда.

Жиноят-процессуал кодексининг 97-моддасига мувофиқ гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилади. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин.

Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига

чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади.

Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Телефонограмма орқали шахсни судга чақиртириш бир қанча қулайликларга эга бўлиб, вақт ва маблағ тежалишига олиб келади.

Техника имкониятларидан фойдаланган ҳолда шахсни судга чақиртириш бўйича алоҳида тартиб белгиланиши лозим. Чунки, шахснинг техника воситалари ёрдамида чақиртирилганлигини тасдиқловчи далиллар иш ҳужжатларида мавжуд бўлиши керак.

Жиноят-процессуал кодексининг 404-моддасида кўрсатилган тартибда суднинг ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан айбланувчи, жабрланувчи хусусий шиқоят бериши ва прокурор хусусий протест билдириши мумкин.

Жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим.

Жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

Жиноят ишини кўриш тўхтатиб турилган вақт ишни муҳокама қилиш муддатига кирмайди.

Ушбу муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси томонидан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроққа узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Биринчи инстанция судининг ажримига асосан беш ойгача бўлган бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва олти ойгача бўлган шундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан амалга оширилади.

Айблов далолатномаси билан келган жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги керак.

А. АБДУРАЗАКОВ,
жиноят ишлари бўйича
Гулистон шаҳар суди раиси

ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ

2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун билан либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнлари бошланиб, жиноят қонунчилигига ярашув институти киритилди.

Жиноят кодекси «Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш» номли 66¹-модда, Жиноят-процессуал кодекси эса «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» номли 62-боб билан тўлдирилди.

Жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги назарда тутилди.

2004 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Жиноят кодексидаги ярашув институти жорий қилинадиган моддалар кўпайди, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгилаб қўйилди.

Судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институти-ни татбиқ этиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу билан минглаб инсонларнинг тинч ҳаёт тарзи сақлаб қолинмоқда. Бундан ташқари, жамиятда кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч, тотувлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳи мустаҳкамланмоқда.

Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, ярашув институтининг қуйидаги ижобий жиҳатларини таъкидлаш ўринлидир: у жабрланувчи ва айбдор орасидаги низони жиноий таъқиб чораларини қўлламастан ҳал қилиш имконини яратади; жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишини таъминлайди; айбдорни кечириш орқали уни тарбиялайди; жиноятлар рецидивининг олдини олади; судларни ортиқча иш юкласидан халос этади.

Жиноят кодексининг 66¹-моддаси ярашганлик туфайли жавобгарликдан озод қилишни мажбурият эмас, балки ҳуқуқ ёки тарафларга берилган имконият сифатида белгилайди. Бунда ярашганлик факти билан бирга, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ва жиноят содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг

мақсадга мувофиқлигини ифодаловчи объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олиниши лозим. Бундай омилларга фактик маълумотлар, айбланувчининг шахсий хусусиятлари ва ярашишнинг мақсадини киритиш мумкин.

2002 йил 25 октябрда Олий суд Пленуми «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорни қабул қилди ва бу қарор суд амалиётида мазкур ҳуқуқий институтнинг бир хилда қўлланилиши ва қонун талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу қарордаги тушунтиришларга кўра, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини туғатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозим.

Ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эгадир.

Жабрланувчи билан айна бир вақтнинг ўзида ишда фуқаровий даъвогар ҳам қатнашган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритишни бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт.

Иш бўйича бир гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бир неча жабрланувчи бўлган ҳоллар учун ҳам қонунда айнан шундай талаблар белгиланган. Жабрланувчиларнинг ҳатто бирортасидан тегишли ариза бўлмаган ҳолларда ҳам ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади.

Шуни назарда тутиш керакки, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) фақат биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар айбланувчи (судланувчи) билан ярашишдан воз кечишга ҳақли.

Жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан ярашиши мотивлари турли хил бўлиши мумкин: жиноятдан сўнгги хулқи, шу жумладан, зарарни қоплаганлиги туфайли кечириш, раҳми келиш, дўстлик таклиф этиш, ҳамкорлик қилиш ва ҳаказо. Фикримизча, зарар етказувчининг ярашувни таклиф этиши мотиви содир этган қилмиши учун жиноий таъқибдан халос бўлиш, жазодан кўрқиш, жиноят иши иштирокчисига айланиб қолишни истамаслик, судланганлик мақомига эга бўлишни хоҳламаслик кабилар ҳам бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ярашув ташаббуси ҳар икки тарафдан ҳам чиқиши мумкин ҳамда иккала томон ҳам рози бўлган, шунингдек ихтиёрий тузилган тақдирдагина ярашув ҳақиқий деб ҳисобланади ва ариза қабул қилинади.

Айна вақтда иш бўйича бир жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ва бир неча гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчилар бўлган тақдирда ҳам қонун жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг улардан айримлари билан ярашувга келиши мумкинлигини эътироф этади.

Бундай ҳолларда ишнинг жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), ярашувга кел-

ган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчиларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб, Жиноят-процессуал кодексининг 584-моддаси тартибида судга юборилади, қолганларга доир қисми бўйича эса, иш юритиш умумий асосларда олиб борилади.

Ярашув тўғрисидаги қонун меъёрлари қўлланилишининг тезкорлигини таъминлаш ва кафолатлаш гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида ярашув тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқариш ва судга юбориш, ишни судда кўриш учун алоҳида, қисқа муддатлар белгиланган.

Ушбу муддатлар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонидан ариза берилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, ариза жиноят иши қўзғатилгунга қадар берилган бўлса, унда бу муддат жиноят иши қўзғатилган кундан бошланади. Борди-ю, ариза берилган вақтда жиноят иши бўйича қилмишнинг Жиноят кодексининг 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибларидан бирини ташкил этиш-этмаслиги масаласи ҳал қилинмаган бўлса, аризани кўриб чиқиш муддати қилмишни квалификация қилиш учун етарли асослар тўпланган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Шунингдек, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозим.

Ярашув акти жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ баённома билан расмийлаштирилади. Жабрланувчи билан ярашув айбига иқроор бўлмасдан рўй бериши мумкин эмас. Шахс етказилган зарар ўрнини қоплаб, жабрланувчи шахс ўз даъволаридан воз кечиши хусусида битим тузишга интилар экан, демак бу фақат айбини тан олиш орқали амалга ошиши мумкин.

Етказилган зарарни қоплаш инсон ҳаёти ва соғлиғига тажовуз пайтида саломатликка етказилган мулкий зарар ўрнини тўлдиришдан, шунингдек маънавий зарарни қоплашдан иборат бўлади.

Ярашилганлик муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, агар ярашув суд томонидан тасдиқланиб, ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, иш юзасидан узил-кесил тўхтама келинади. Бунда биринчидан, суд ярашувни тасдиқлаш тўғрисидаги ажримни ўқиб эшиттирганидан сўнг, жабрланувчи юқори судга ушбу иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиний жавобгарликдан озод этилганлиги боис, судланмаган ҳисобланади.

М. МАЛИКОВ,
жиноят ишлари бўйича
Дехқонобод туман суди раиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Дунёнинг аксарият давлатларида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар тараққиёт йўлида улкан тўсиқ даражасига кўтарилмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу каби муаммоларнинг олдини олишга қаратилган самарали чоралар кўрилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоиздан ортигини вояга етмаганлар ташкил этади. Аҳоли таркибида бундай ёшдагиларнинг кўплиги мамлакат истиқболини таъминловчи ижобий омиллар сирасига киради. Шу билан бирга, вояга етмаганлар сони юқорилиги давлат ижроия ва бошқаруви органлари, таълим-тарбия муассасалари, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди.

Сир эмас, ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг ташкилий ва ҳуқуқий чораларини белгилаш ва ҳал этишда бир қатор муаммолар мавжуд. Ота-оналар томонидан фарзандларининг олий таълим муассасаларида таълим олишини педагогик назорат қилиш даражаси жуда суст. Қишлоқ жойларда таълим муассасалари ҳам етарли эмас. Ёшлар (18—30 ёш) билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг масъуллик даражасини белгиловчи ва уларга мажбурият юкловчи қонун нормаларининг ягона тизими ҳам тўлиқ шаклланигани йўқ.

Жамиятдаги барча ножўя ҳолатлар, жумладан, оиладаги нотинчлик, таълим муассасалари ишидаги ва бошқа соҳалардаги камчиликлар ёшларнинг нормал ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларнинг 62,2 фоизи эса бўш вақтларини кўчада ўтказишади.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, авваламбор, ахборот-таҳлил ишларини йўлга қўйиш лозим. Бу билан ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг умумий ҳолати, миқёси, таркиби, табиати ва динамикаси тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Шунингдек, ёшлар ҳуқуқбузарликларини баҳолашда уларнинг юзага келишига таъсир этувчи омилларни инобатга олиш, у ёки бу ҳудудда маълум бир турдаги, айниқса, оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи жиноятларнинг сабабларини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Энг асосийси, ёшлар жиноятчилигининг ахборот-таҳлил ишлари камида 3—5 йиллик даврни қамраб олиши лозим.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш — бутун жамиятнинг вазифаси. Тадқиқотлар аксарият жиноятчиларнинг шахси дастлаб тарбиясизлик оқибатида шаклланишини кўрсатмоқда. Тарбияси оғир ўсмир ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож бўлган шахсдир. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жиноятчига айланишининг олдини олиш, шунингдек жамият билан нормал алоқаларини тиклаш, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Агар жиноятларни профилактика қилишнинг ихтисослашмаган субъектлари зарарли таъсир манбаларини бартараф этиш чораларини ўз вақтида кўрмасалар, тарбияси оғир ўсмирлар педагогик ва ижтимоий бекарорликнинг навбатдаги босқичига ўтадилар. Дастлабки ҳуқуқбузарликларнинг жазосизлиги қонун талабларига бепишандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одатини ривожлантиради. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги муаммолардан бири шундан иборатки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан ҳуқуқбузарлик содир этганидан кейин тушадилар. Ёшларнинг ғайриижтимоий мойиллигини дастлабки босқичда профилактика қилишга нисбатан юзаки ёндашиш ҳоллари ҳам учраб туради. Ўзига хос профилактика чораларидан бири ҳуқуқбузарлик содир этаётган ёшларнинг ота-оналарини (ҳомий ёки васийларини) ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик юзасидан расман огоҳлантиришдир. Ёшлар ўртасида профилактик чораларни амалга оширишда шахснинг ёши ва бошқа хусусиятлари инобатга олинishi лозим. Жиноятларнинг сабабларини аниқлашда кенг жамоатчилик, турли соҳаларнинг тажрибали мутахассислари ёрдамига таяниш зарур.

2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига кирувчи субъектлар, улардан ҳар бирининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Бу эса, ушбу соҳада мавжуд бўлган турли сансалорликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, фарзанд ниҳолга ўхшайди. Уни ёшлигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда албатта оила, маҳалла, жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга. Ўзи, оиласи, халқи, маънавий илдиэлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кўчасига қадам босмайди. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчини сидкидилдан бажариши лозим.

Бугун жамиятда ота-оналарнинг ролини ошириш билан бирга ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий қарашларини юксалтиришга ҳамда уларда қонунга итоаткорлик руҳини шакллантиришга қаратилган аниқ чоралар кўриш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқароларнинг иштирокини таъминловчи қонун нормаларини такомиллаштириш зарур.

А. МАДРАХИМОВ,
2-Тошкент юридик коллежи
«Жиний-ҳуқуқий» фанлар
кафедраси мудири,

С. АСРОВА,
катта ўқитувчи

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР, УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ)

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 27-моддасининг 2-банди норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмаган, маъмурий органларнинг ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи қарорлари (ҳужжатлари), шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашишни назарда тутади.

Маъмурий органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида назарда тутилган умумий қоидаларга кўра, мазкур кодекснинг 23-бобида белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, агар уларни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларида бошқа давлат органларининг ваколатига киритилмаган бўлса, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Бундай ишларни юритиш фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ёки қонун билан уларнинг манфаатида судларга ариза бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар (масалан, прокуратура органлари) аризалари асосида қўзғатилади.

Маълумки, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра, маъмурий органлар деганда, маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар тушунилади.

Маъмурий-ҳуқуқий фаолият айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолиятидир.

Давлат органлари – вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар ва уларнинг ҳудудий органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деганда, шаҳарчалар,

қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари тушунилади.

Мансабдор шахс эса доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахсдир.

Юқорида қайд этилганидек, маъмурий органларнинг қарорлари (ҳужжатлари) ёки улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шикоят предмети бўлиши мумкин.

Қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар сифатида юридик аҳамиятга эга бўлган оқибатларни вужудга келтирувчи ҳолатлар, яъни маъмурий органнинг қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатларни содир қилиши тушунилади. Ушбу ҳаракатлар натижасида маъмурий орган томонидан ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи қарорлар (ҳужжатлар) чиқарилмайди, бироқ манфаатдор шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилади.

Мазкур ҳолатда манфаатдор шахс маъмурий органнинг ҳужжатини ҳақиқий эмас ёки мансабдор шахснинг ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиш тўғрисида эмас, балки маъмурий орган мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақида шикоят билан маъмурий судга мурожаат этиши мумкин.

Қонунга хилоф ҳаракатсизлик деганда, маъмурий органнинг ўз вазифаси, мажбурияти бўйича амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларни бажармаслиги оқибатида манфаатдор шахс қонуний ҳуқуқларининг бузилиши тушунилади (масалан, аризани кўриб чиқмаслик). Ушбу ҳолатда ҳам маъмурий орган томонидан ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи қарорлар чиқарилмаса-да, манфаатдор шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилади.

Бу ҳолатда ҳам манфаатдор шахс маъмурий органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиш ҳақида шикоят билан маъмурий судга мурожаат этиши мумкин.

Агар маъмурий органнинг хатти-ҳаракатлари билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқини бузувчи ҳамда ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи қарорлар (ҳужжатлар) чиқарилса, манфаатдор шахс маъмурий органнинг хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида шикоят билан эмас, балки шундай хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) оқибатда чиқарилган қарорни (ҳужжатни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоят

билан маъмурий судга мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 2-моддасининг олтинчи қисмида бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий бўйсунушига асосланган мулкӣ муносабатларга, шу жумладан солиқ, молиявий ва бошқа маъмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмаслиги (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) белгиланган.

Судлар ушбу тоифадаги ишларни кўришда Фуқаролик кодексининг 12-бобида белгиланган қоидаларни қўлламасликлари лозим. Чунки, ушбу боб қоидалари маъмурий муносабатлардан келиб чиққан ишларга татбиқ этилмайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш масаласи фақат ариза (шикоят) берган тарафнинг ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар берган илтимосномасига асосан кўриб чиқилиши, агар бундай илтимоснома ишни апелляция, кассация инстанцияси судида ва назорат тартибида кўриш жараёнида берилса, у қаноатлантирилмаслиги ва бу ҳақда суд қарорининг асослантирувчи қисмида кўрсатилиши лозим.

Маъмурий органлар томонидан чиқарилган қарор, буйруқ, кўрсатма ёки берилган ордер, гувоҳнома ва шу каби ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи бошқа ҳужжатлар, агарда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса ёки ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузса, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (шундай ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам).

Давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномаларни мансабдор шахсларнинг берган топшириқларини, шунингдек бирон-бир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайдиган бошқа ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини бекор қилиш, ноқонуний (қонунга хилоф), қонуний деб топиш, бекор қилинган ҳужжатни ўз кучида қолдириш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ҳақиқий эмас деб топиш, бекор қилиш каби талаблар судда кўриб чиқилмайди.

Фуқаролик кодекси 12-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шу муносабат билан манфаатдор шахс маъмурий органнинг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан, агар бу қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли:

ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган;

ўз ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишга ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсиқлар вужудга келтирилган;

унинг зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юклатилган;

унинг у ёки бу соҳадаги фаолиятни амалга ошириши учун бошқа тўсиқлар вужудга келтирилган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли. Яъни, маъмурий органнинг қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиши лозим.

Судлар маъмурий органнинг қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмайди, деган асос билан ариза (шикоят)ни қайтариш, қабул қилишни рад этиш, кўрмасдан қолдириш ёки иш юритишни тугатишга йўл қўйилмаслигини инобатга олишлари лозим. Чунки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда юқорида қайд этилган асосга кўра ариза (шикоят)ни қайтариш, қабул қилишни рад этиш, кўрмасдан қолдириш ёки иш юритишни тугатиш белгиланмаган.

Маъмурий органнинг қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиш ёки қилмаслиги суд жараёнида аниқланади. Агарда қарор ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмаса, иш мазмунан қўрилмайди ва бундай аризани қаноатлантириш Фуқаролик кодекси 12-моддасининг биринчи қисмидан келиб чиққан ҳолда рад этилади ва бу ҳақда ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Суд ишни кўриб чиқишда устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Аксинча, суд қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этади.

М. ЭШИМБЕТОВ,
Олий суд судьяси

▶ МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ИШ ЮРИТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сонли Фармониغا мувофиқ 2017 йил 1 июндан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари фаолият олиб бормоқда.

Маъмурий судларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлардан ташқари, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича ишлар тааллуқлидир.

Маъмурий судларда иш юритиш ва уни ташкил этишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги Қонуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс тасдиқланди.

Мазкур Кодекс 4 та бўлим (умумий қоидалар, биринчи инстанция судида иш юритиш, суд ҳужжатларини қайта кўриш, суд ҳужжатларини ижро этиш), 29 боб ва 288 та моддадан иборат.

Кодексга кўра, маъмурий суд ишларини юритиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонуний-

ликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш;

қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш.

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Судга мурожаат қилиш:

фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишлар бўйича, шунингдек Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза (шикоят) ва илтимоснома шаклида;

апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда, шунингдек Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ҳамда бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.

Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Маъмурий иш ишда иштирок этувчи шахслар ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари томонидан судга тақдим этилган ёхуд суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган суд ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида шакллантирилади.

Маъмурий иш электрон тарзда шакллантирилиши мумкин.

Бундай ҳолларда ишда иштирок этувчи шахслар ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ўзларининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар ва маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари томонидан судга тақдим этилган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Маъмурий иш электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, суд ҳужжатлари судьянинг (судьяларнинг) электрон рақамли имзоси билан, суд мажлисларининг ҳамда алоҳида процессуал ҳаракатларнинг баённомалари раислик қилувчининг ва суд мажлиси котибининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Электрон шаклдаги маъмурий ишни бошқа маъмурий судга ёки бошқа ор-

ганга ўтказиш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Электрон тарзда шакллантирилган маъмурий иш қоғоздаги кўчирма нусха-сига эга бўлиши мумкин.

Суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади.

Биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинади.

Апелляция ва кассация шикоятларини (протестларини) кўриш натижалари бўйича апелляция ва кассация инстанциялари судлари томонидан, шунингдек апелляция, кассация ва назорат шикоятларини (протестларини) кўриш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан қарорлар қабул қилинади.

Нazorat тартибида суд ҳужжатларини қайта кўриш натижалари бўйича Олий суд Раёсати томонидан қарорлар қабул қилинади.

Иш мазмунан ҳал этилмасдан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ажримлар шаклида чиқарилади.

Маъмурий суд ишларини юритиш принциплари қуйидагилардир:

- одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши;
- қонун ва суд олдида тенглик;
- судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши;
- тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги;
- маъмурий суд ишлари юритиладиган тил;
- суд муҳокамасининг ошкоралиги;
- суд муҳокамасининг бевоситалиги;
- маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш;
- суд ҳужжатларининг мажбурийлиги.

Биринчи инстанция бўйича маъмурий ишлар туман (шаҳар) маъмурий судларида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида судья томонидан яқка тартибда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биринчи инстанция бўйича ишларни ҳайъатда кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида ишларни апелляция ва кассация тартибида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатида Раёсатнинг кўпчилик аъзолари ҳозир бўлган тақдирда амалга оширилади.

Иш ҳайъатда кўрилаётганда судьялардан бири суд мажлисида раислик қилади.

Ишни кўришда барча судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга биноан судьяга ишни якка тартибда кўриш ва айрим масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган тақдирда, судья суд номидан иш кўради.

Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилинади. Маъмурий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари суд ажрими орқали, зарур ҳолларда эса чакирув қоғозлари, телеграммалар, факслар, телетайплар ҳамда бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва судга чақирилади.

Суд хабарномалари ва чакирувлари иш материалларига қўшиб қўйилади.

Агар суд маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки мазкур Кодексда назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади, агар:

ажрим йўлланган шахс ажримнинг кўчирма нусхасини олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охирги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса;

ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса.

Ишда иштирок этувчи шахслар иш юритиш вақтида ўз манзили ўзгарганлиги ҳақида судга хабар бериши шарт. Бундай хабар мавжуд бўлмаган тақдирда, ажримнинг кўчирма нусхаси судга маълум бўлган охирги манзилга юборилиб, гарчи олувчи шу манзилда бўлмаса ёки яшамаса ҳам, у етказиб берилган деб ҳисобланади.

Агар ишда иштирок этувчи шахслар ўз телефон ва факс рақамларини, электрон манзилини судга маълум қилган бўлса, уларнинг иш юритиш вақтида ўзгарганлиги тўғрисида судни ёзма шаклда, шу жумладан электрон хужжат

тарзида хабардор қилиши керак.

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ўзи ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, ушбу ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган муддатлар, суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.

Судьянинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлари аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги ажримда баён этилиши мумкин.

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида қуйидаги ҳаракатларни ариза (шикоят) келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай амалга оширади:

1) ишда иштирок этиш учун бошқа жавобгарни ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;

2) манфаатдор шахсларни ишни юритиш тўғрисида хабардор қилади;

3) ишда иштирок этувчи шахсларни уларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишга бўлган ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилади;

4) ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни амалга оширишни, шу жумладан низо-ни ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этади;

5) гувоҳларни чақиртиради;

6) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;

7) тарафларга зарур далилларни олишга кўмаклашади, тарафларнинг илтимосномаси бўйича уларни талаб қилиб олади;

8) тарафларнинг илтимосномаси бўйича дастлабки ҳимоя чораларини кўриш ва далилларни таъминлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

9) бошқа шахсларнинг ишга киришиши, ишларни битта иш юритишга бирлаштириш ёки арз қилинган талабларни алоҳида иш юритишга ажратиш, сайёр суд мажлисини ўтказиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади.

Судья ишнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизимининг шакллантирилиши тарихий аҳамият касб этди.

Л. КАДИРОВ,
Олий суд судьяси

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЎЗАРО ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фаол ташқи сиёсат ва самарали дипломатиянинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Ўзбекистон ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар туфайли 2017 йили хорижий шериклар билан 200 дан ортиқ халқаро шартномалар, шунингдек савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қиймати қарийб 60 миллиард АҚШ долларлик келишув ҳамда битимлар имзолади, чет эл мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 40 дан ортиқ «йўл хариталари»ни тасдиқлади.

Айни пайтда мухтарам Президентимиз дипломатик муассасаларимиз ўз фаолияти давомида, энг аввало, экспортни оширишга ҳисса қўшиши, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиши, Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича ҳам фаол ва тизимли иш олиб бориши лозимлиги борасида энг муҳим вазифаларни белгилаб берди¹.

Шуни қайд этиш керакки, сўнгги йилларда дунё миқёсида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг сезиларли даражада ортиши кузатилмоқда. Агар 1990 йили шундай инвестициялар салкам 205 миллиард АҚШ долларига етган бўлса, 2000 йилда 1 триллион 360 миллиард АҚШ долларидан ортиқни, 2016 йилга келиб эса 1 триллион 746 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил қилди. Умуман олганда, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг асосий қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, 1990 йилда мазкур давлатлар иқтисодиётига киритилган инвестициялар 34 миллиард 648 миллион АҚШ долларидан ортиқни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 646 миллиард АҚШ долларидан ошди².

Ҳар бир давлат чет эл инвестицияларини жалб қилишда ўз олдига қатор мақсадларни кўяди, яъни молиявий ресурсларни жалб қилиш билан бир қаторда, илғор бошқарув тажрибаларидан фойдаланиш, инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади.

Чет эл инвестициялари оқимининг барқарорлиги ўзга давлат ҳудудида фаолият олиб борувчи чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини кафолатловчи ва уларни ҳимоя қилиш механизмларини кўзда тутувчи қонунларнинг амалда ишлашига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли ҳам чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилишда, рағбатлантиришда ҳамда уларни кейинчалик ҳимоя қилишда миллий қонунчилик

билан бир қаторда, инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро битимлар ҳам муҳим ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлади.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир³.

Чет эл инвестицияларига доир масалаларни тартибга солувчи халқаро шартномаларни универсал, минтақавий ва икки томонлама шартномаларга ажратиш мумкин. Универсал шартномалар⁴ қаторига халқаро ҳуқуқнинг бир нечта субъектлари томонидан тузилган шартномаларни ҳамда халқаро ташкилотларни тузиш борасидаги шартномаларни киритиш мумкин.

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар икки давлат ўртасидаги инвестициялар оқими учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида тузилади⁵. Бу эса, икки томонлама шартнома, яъни халқаро шартнома деганидир. Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир қатор давлатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш, кўмак бериш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги 50 та шартномаси мавжуд. Жумладан, мазкур турдаги шартномалар Германия, Австрия, Бельгия, Франция, Россия, Озарбайжон, Бангладеш каби мамлакатлар билан имзоланган.

Чет эл инвестицияси киритилиши билан давлатлар миллий қонунчиликни ўзгартириши мумкинлиги хавфи бўлганлиги сабабли, мазкур хавф ишончли

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларнинг аҳамияти ва роли борасида фикр-мулоҳазалар юритилади. Хусусан, бу борада Ўзбекистоннинг битимларига тўхталиб, айнан мазкур турдаги битимлар чет эл инвестицияларининг ортишига хизмат қилиши таъкидланади.

Калит сўзлар: чет эл инвестицияси, чет эл инвестори, битим, низо.

* * *

Данная статья посвящается обсуждению роли и значимости двусторонних договоров о содействии и взаимной защите инвестиций. В частности, в статье приводятся примеры из договоров Республики Узбекистан и отмечается их роль в увеличении потоков иностранных инвестиций.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, иностранный инвестор, договор, спор.

* * *

This paper discusses the role and influence of Bilateral Investment Treaties. For that purpose, examples are provided from the Uzbek BITs and thus, their role in the influence of the foreign investment increase are also noted.

Key words: Foreign investment, foreign investor, BIT, dispute

халқаро-ҳуқуқий меъёр ёрдамида баргараф этилиши лозим. Икки томонлама шартномалар эса, инвестиция киритилаётган мамлакатлардаги вужудга келиши мумкин бўлган нотижорат хавфларни имкон қадар камайтириши зарур.

1959 йилдан 2016 йилгача 2957 та икки томонлама инвестицион шартномалар имзоланганлигининг ўзи мазкур турдаги шартномалар инвестицион фаолиятни ҳимоя қилувчи, энг кўп қўлланилувчи ҳимоя воситаларидан бирига айланганлигини кўрсатади. Эътиборлиси, агар авваллари мазкур турдаги битимлар фақат капитал экспорт қилувчи ривожланган мамлакатлар ва капитал импорт қилувчи ривожланаётган мамлакатлар орасида тузилган бўлса, ҳозирги кунда ривожланаётган давлатлар ўртасида ўзаро тузилаётган шартномалар сони кескин ошмоқда. Сабаби, ривожланаётган мамлакатлар ҳам ҳозирда сармоя экспорт қилувчи мамлакатлар қаторига кирди⁶.

Икки томонлама шартномалар инвестициялар учун мақбул режимлар яратилишини таъминлайди. Бундай ҳуқуқий битимлар самарали ҳимоя воситаси ҳисобланади, яъни инвестиция қабул қилувчи мамлакат максимал даражада чет эл мулки сақланишини таъминлаб, уни мажбурий олиб кўйиш бўйича чоралар кўрмаслигининг кафолати сифатида хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, икки томонлама шартномалар инвестиция бўйича юзага келиши мумкин бўлган низоларни бетараф арбитраж, одатда, халқаро арбитраж орқали ҳал этиш имконини беради. Инвестор учун номувофик ёки салбий ҳолатлар юзага келганда, унинг иши халқаро арбитражда кўрилиши инвестор учун муҳимдир⁷.

Ўзбекистоннинг инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларида вужудга келиши мумкин бўлган низолар, энг аввало, дўстона йўллар, хусусан, музокаралар, маслаҳатлашувлар, дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши деярли барча битимларда белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бельгия-Люксембург Иқтисодий уюшмаси ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимда низолар имкон қадар музокаралар, зарурат бўлганда, учинчи томоннинг эксперт хулосаси ҳамда дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши лозимлиги кўзда тутилган⁸. Ўзбекистоннинг Франция Республикаси Ҳукумати билан тузган битимида ҳам аҳдлашувчи томонлар сармоядорлари ўртасида инвестицияларни жойлаштиришга оид бўлган келишмовчиликлар икки томонлама дўстона музокаралар йўли билан ҳал қилиниши лозимлиги белгиланган⁹.

Низони бундай йўллар орқали белгиланган муддат давомида ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, битимларда бошқа усуллардан фойдаланиш имкониятлари кўзда тутилган. Бу борада низони ҳал қилишнинг энг кўп назарда тутилган йўли халқаро арбитраждир.

Халқаро арбитражнинг инвестициявий низоларни ҳал қилишда шаклланган обрўси жуда катта. Сабаби, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар орқали давлатларнинг арбитраж жараёнига аралаштириш имконияти чекланган, бу билан холисликни таъминлашга эришилади. Бундан ташқари,

арбитраж суди қарорининг томонлар учун мажбурийлиги келишилади, қарорнинг тан олинishi ва ижро этилиши юзасидан нормалар ҳам битимларда ўз аксини топади. Арбитраж судининг қарори фақатгина алоҳида ҳоллардагина бекор қилиниши мумкин. Жумладан, агар арбитраж суди белгиланган тартибда тузилмаган бўлса ҳамда ўз ваколатлари доирасидан ташқарига чиқса, қарор лозим даражада асослантирилмаган, арбитражлардан бирининг пора олиши кузатилган бўлса ёки арбитраж суди кескин равишда белгиланган тартибдан четга чиқса, арбитраж суди қарори бекор қилинади¹⁰.

Ўзбекистон Республикасининг Исроил давлати Ҳукумати билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисидаги битими мисолида Ўзбекистоннинг битимлари амалда ижро этилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур шартнома асосида Исроилнинг Metek Metall Technology (Metal-Tech) компанияси Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга мурожаат қилган. Даъво аризасида Ўзбекистон чет эл инвестициясини химоя қилиш бўйича олган ўз мажбуриятларини бузаётганлиги важи келтирилган эди. Бироқ, Марказ мазкур компаниянинг даъво аризасини рад этган¹¹.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномалар асосида қабул қилиб олинган мажбуриятларни бажариш борасида муҳим ишлар амалга оширилаяпти. Бунинг учун, аввало, мазкур соҳага оид мустақкам қонунчилик базаси яратилган. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Миллий қонунчиликнинг муҳим жиҳатларидан бири қонун ҳужжатлари, шу жумладан идоравий норматив ҳужжатларнинг, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторга ёки чет эл инвестицияларига зарар етказса, орқага қайтиш кучига эга эмаслигидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштира, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўлланилиши ҳам мумкин. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра, янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эга.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган кенг камровли чора-тадбирлар қаторида макроиқтисодий барқарорликни мустақкамлаш ва иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама химоя қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш каби масалаларнинг белгилаб олинганлиги ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини, шу жумладан «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунларни чуқур таҳлил

қилиш, инвестицияларнинг кириб келишини қўллаб-қувватлайдиган, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам айнан Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган. Бу эса, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга хизмат қилади.

Э. ТУЛЯКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

¹Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (2018), Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш – дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир. [Электрон манбаа]: [http://uza.uz/oz/politics/O'zbekiston manfaatlarini khalqaro miqyosda qat'iy himoya qilish—d-12-01-2018](http://uza.uz/oz/politics/O'zbekiston%20manfaatlarini%20khalqaro%20miqyosda%20qat'iy%20himoya%20qilish-d-12-01-2018) Охириги фойдаланилган кун: 14 февраль 2018 й.

²Жаҳон банки (2017), *Foreign direct investment, net inflows (BoP, current US\$)* [Электрон манбаа]: <https://data.worldbank.org/indicator/BX.KLT.DINV.CD.WD>. Охириги фойдаланилган кун: 4 февраль 2018 й.

³«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», 1995 йил, 12-сон, 262-модда.

⁴Универсал шартномалар асосан барча мамлакатлар томонидан имзоланади. Мазкур турдаги битмлар халқаро ҳуқуқнинг барча муҳим соҳаларини тартибга солишига қаратилгандир, жумладан, инсон ҳуқуқларидан тортиб, савдо ёки транспорт соҳаларигача. [Электрон манбаа]: https://www.law.cornell.edu/wex/multilateral_treaties.

⁵МДХ Иқтисодий суди (2016 й.). [Электрон манбаа]: <http://sudsng.org/press/article/investment/>. Охириги фойдаланилган кун: 10 октябрь 2017 й.

⁶Vandavelde K.J. «A brief history of international investment agreements» in *The Effect of Treaties on Foreign Direct Investment*, New York: Oxford University Press, p.27.

⁷Schill S/W/ *The Multilateralization of International Investment Law*. New York: Cambridge University Press, 2013, p. 257.

⁸Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати, бир томондан ва иккинчи томондан, Бельгия-Люксембург Иқтисодий Уюшмаси ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида»ги 1998 йил 29 августдаги № 682-1 сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси», 1998 й., N 9, 182-модда.

⁹UNCTAD's database of international investment agreements (IIAs) <http://investmentpolicyhub.unctad.org/Download/TreatyFile/1293>, Last accessed: July 3, 2017.

¹⁰Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенция, 52-модда.

¹¹Мазкур масала юзасидан арбитраж қарори Марказнинг қуйидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилган: <http://www.italaw.com/sites/default/files/case-documents/italaw3012.pdf>. Охириги фойдаланилган кун: 10 сентябрь 2017 й.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими иқтисодиётни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, аҳолига, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларини бериш, солиқ назоратини эркинлаштириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шаклланди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларида текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралаштиришларга барҳам бериш бўйича зарур чоралар кўрилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текшириш тартиблари бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакли ва тақдим этиш муддатлари соддалаштирилди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, жумладан солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислох қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари белгиланди:

солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар

мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини ошириш;

макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтиришни таъминлаш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш;

фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш ва бошқалар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли — солиқ мониторингининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ мониторингида ўзаро ахборот алмашинуви регламенти асосида солиқ тўловчиларнинг бухгалтерия ҳисоботи юритилади.

Натижада солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олди олинадиган, солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ мунозарали масалалар тезкорлик билан ҳал этилади.

Маълумки, 2017 йил 30 декабрда «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Солиқ кодекси «Солиқ мониторинги» номли 12¹-боб билан тўлдирилди.

Мазкур боб қоидаларига мувофиқ солиқ мониторингининг предмети солиқ мониторингида иштирок этаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишидан иборатдир.

Солиқ мониторинги ўтган йил якунларига кўра, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра энг кам иш ҳақининг етмиш минг баравари миқдоридан ортиқни ташкил этган солиқ тўловчига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқ мониторинги солиқ тўловчининг солиқ мониторингида иштирок этиш тўғрисидаги аризаси бўйича давлат солиқ хизмати органи билан солиқ тўловчи ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинуви регламентига мувофиқ давлат солиқ хиз-

мати органининг солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилади.

Бунда солиқ тўловчи томонидан кейинги йилда солиқ мониторингида иштирок этиш тўғрисидаги ариза солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмасдан ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда тақдим этилади.

Мазкур аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органи солиқ мониторингини амалга ошириш ёки амалга оширишни рад этиш тўғрисида бир ой ичида қарор қабул қилади.

Солиқ мониторингини амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарор асосланган бўлиши керак. Бундай қарорни қабул қилиш учун солиқ тўловчи томонидан солиқ мониторингини амалга ошириш тўғрисидаги ариза ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этилганлиги, шунингдек регламент талабларига риоя этилмаганлиги асос бўлади.

Солиқ мониторингини амалга ошириш ёки амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарор у қабул қилинган кунда солиқ тўловчига ёзма шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади.

Солиқ мониторинги қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин: солиқ тўловчи томонидан ўзаро ахборот алмашинуви регламенти талаблари бажарилмаганда, шунингдек солиқ тўловчининг асослантилган фикрга ёки ўзаро келишув натижалари бўйича тузилган хабарномага розилиги (рози эмаслиги) тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаганда;

солиқ мониторингини амалга ошириш даврида давлат солиқ хизмати органига молиявий ва солиқ ҳисоботларини топшириш муддатлари бузилганда;

солиқ мониторингини амалга ошириш даврида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаганда;

солиқ мониторингини қўллаш даврида ҳисобланган солиқ тўловлари камайишини, зарарлар миқдорининг ошишини назарда тутувчи аниқлаштирилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари тақдим этилганда;

солиқ мониторингини амалга ошириш жараёнида солиқ тўловчи томонидан нотўғри ахборот тақдим этилганда;

ҳужжатлар, маълумотлар ва тушунтиришлар ўзаро ахборот алмашинуви регламентида белгиланган талаблар солиқ тўловчи томонидан мунтазам равишда бузилган ҳолда тақдим этилганда;

солиқ тўловчи томонидан солиқ мониторингини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида ариза тақдим этилганда.

Солиқ мониторингини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи шу куннинг ўзида солиқ тўловчини ёзма шаклда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралда-

ги «Солиққа доир қонун ҳужжатларини тубдан такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия ҳамда солиққа доир қонун ҳужжатларини ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

Фикримизча, ушбу Кодекснинг янги таҳририни тайёрлашда солиқ тизимида мавжуд бўлган қатор долзарб масалаларга эътибор қаратиш зарур. Хусусан, кичик бизнес вакиллари ва бошқа субъектларнинг солиқ юки ўртасидаги тафовутларни қайта кўриб чиқиш, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиққа тортиш шкаласи ва ҳисоблаш механизмини соддалаштириш, солиқ назоратининг самарали замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш, солиққа оид низоларни суддан ташқари ва судгача ҳал этиш механизмларини такомиллаштириш лозим.

Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида солиқ низоларини судгача ҳал этиш – солиқ апелляцияси институти имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари кўпайишига олиб келаётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан Давлат солиқ кўмитасида солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармаларида солиқ низоларини судгача ҳал қилиш шўъбалари ташкил этилди.

Мазкур бўлим ва шўъбаларнинг асосий вазифаларидан бири давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўришдир.

Соҳада рўй бераётган бу каби кўплаб ўзгаришларга, умуман, иқтисодиётдаги кенг кўламли ислохотлар моҳиятига, мақсадига янги таҳрирдаги Солиқ кодекси тўлиқ ҳамоҳанг бўлиши зарур.

Б. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди масъул ходими,

Р. БЕРДИЯРОВ,
Жиззах вилоят иқтисодий
суди судьяси

ВАХШИЙЛИК

Она деганда, кўз олдимизда меҳрибон ва мунис аёл гавдаланади. Аёлни муқаддас қилган, уни поклик, ҳалоллик тимсоли деб танитган ҳам аёлнинг нафақат фарзандларига, балки бутун инсон зотига бўлган меҳр-муҳаббатидир.

Лекин, ҳамма аёл ҳам улуғликка лойиқми? Афсуски, йўқ.

2017 йил апрель ойида Хоразм вилоятида содир этилган даҳшатли қотиллик мунис ва мўътабар аёл номига доғ туширди.

1961 йилда туғилган, 4 фарзанднинг онаси — судланувчи Сожида Омонова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2017 йилнинг 16 апрель куни соат 13:00 ларда ён қўшниси Рашид Йўлдошевнинг набираси, 2012 йилда туғилган Зубайданинг кўчада ўйнаб юрганлигини кўриб, унинг болаларча ишонувчанлигидан фойдаланиб, қулоғидаги тилла сирғасини қўлга киритиш ва шу йўл билан моддий бойлик орттириш мақсадида ўз молхонасига олиб кирган ва вояга етмаган 4 ёшли гўдакнинг бошига ғишт билан урган. Қизчанинг қулоғидаги (бозор баҳоси — 332 150 сўм) бир жуфт тилла зирагини ечиб олиб, босқинчилик йўли билан қўлга киритган ва хушига келиб, жиноят ҳақида гапирса, фош бўлишидан қўрқиб, вояга етмаган ожиз аҳволдаги қизчанинг бошига болта билан бир неча маротаба уриб-чошиб, уни қасддан ўлдирган. Мурдани қўшнисининг молхонаси орқа томонидаги йўлакчага олиб чиқиб, сомон ва бетон бўлақлари тагига яширган.

Марҳума кизнинг оила аъзолари унинг йўқолиб қолганлигини билганидан кейин кидирувни бошлайдилар, уч кун давомида кидирув ишлари олиб борилади. Судланувчи Сожида Омонова Зубайданинг ота-онаси уйига ҳамма қатори кириб-чиқиб, гўёки улардан «кўнгил сўраб» юради.

Афсуски, жиноятчи ўзининг шубҳали ҳаракатлари ва гап-сўзлари билан зеҳни ўтқир орган ходимларида шубҳа уйғотади ва унинг содир қилган жинояти фош қилинади.

Ёшгина гўдакни ваҳшийларча ўлдириб, мурдасини яшириб, яна уйига бемалол кириб-чиқиб юрган бу аёлни аёл деб бўлармикин?..

Афсуски, аёллар билан боғлиқ жиноятлар тури кўпаймоқда.

Одам савдоси, ўғрилиқ, қотиллик, фирибгарлик каби жиноятлар содир қилган аёлларимиз суднинг «қора курсиси»дан жой олмоқда.

Биз ўзбекмиз, бизнинг момоларимиз бировни ўлдириш ёки бировга оғир гап айтиш у ёқда турсин, ҳатто чумолига ҳам озор беришни гуноҳ деб билган.

Нега биз уларнинг одагларида давом эттира олмаямиз, қаерда хатоликка йўл қўймоқдамиз?!

Р. КАМАЛОВА,
жиноят ишлари бўйича
Хоразм вилоят суди судьяси

ИНСОН УМРИГА ЗОМИН БЎЛАЁТГАНЛАР

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таминлашда муҳим аҳамият касб этувчи йўл ҳаракати қоидаларига ҳар бир транспорт бошқарувчиси ва пиёда риоя этиши шарт.

Аммо, айрим фуқаролар бу қоидаларга амал қилмай, турли нохуш ҳодисаларни юзага келтиради.

Айниқса, транспорт бошқарувчиларининг маст ҳолатда рулга ўтириши бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчи автомобиль бошқариш қобилиятини йўқотади, йўл ҳаракати қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўяди.

Масалан, Эллиққалъа туманида яшовчи фуқаро Р. Р. фуқаро С. Х.га тегишли ВАЗ-2105 русумли автомашинани спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда бошқариб келаётиб, велосипедда кетаётган Ж. А. ва У. Ш.ларни уриб юборган. Оқибатда велосипед ҳайдовчиларидан бири тан жароҳати олиб, касалхонага тушган, бошқаси эса воқеа жойида вафот этган.

Кегейли туманида яшовчи фуқаро Р. Д. 2017 йил 23 сентябрь куни спиртли ичимлик ичган ҳолда фуқаро Д. Қ.га тегишли «Нексия» русумли автомобилни ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса-да бошқариб, Шуманай туманидаги йўлда авария содир этган. Автомашинанинг бир неча маротаба ағанаши оқибатида унинг ичидаги йўловчи, Қозоғистон фуқароси воқеа содир бўлган жойида вафот этган.

Маст ҳолатда автотранспорт бошқарган шуманайлик Р. Р. ҳам бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлган. У 2017 йили 13 октябрда тун чоғи қарама-қарши келаётган пиёда С. Т.ни уриб юборган. Оқибатда пиёда оғир тан жароҳатини олиб, ўзига келмасдан вафот этган.

Беруний туманида яшовчи И. М. 2017 йил 7 август куни ўзига тегишли автомашинани спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқариб келаётиб, Беруний тумани ҳудудидан ўтувчи Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеў автомагистралининг 651-километри бўйлаб ҳаракатланиб келаётган «Ласетти» автомашинаси билан тўқнашиб кетган. Оқибатда «Ласетти» йўловчиси Ж. Т. оғир тан жароҳати олиб, воқеа жойида вафот этган. Ушбу автомашинада келаётган 3 киши ва «Нексия» автомашинасида келаётган 2 киши шифохонага тушган.

Албатта, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Бироқ, улар ўз қилмишлари билан одамлар ҳаётига зомин бўлди.

Ҳолбуки, инсонга умр бир марта берилади, унга хавф солишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

М. ТИЛЕУИМБЕТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Шуманай туман суди раиси

ПЕКИНДА ШХТга АЪЗО ДАВЛАТЛАР ОЛИЙ СУДЛАРИ РАИСЛАРИ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Пекин шаҳрида 2018 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг ўн учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ҳиндистон Республикаси Олий судининг судьяси Аршан Кумар Сикри, Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси Жакип Асанов, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раиси ва бош судьяси Чжоу Цян, Қирғизистон Республикаси Олий суди раиси Айнаш Токбаева, Покистон Ислам Республикаси Олий суди раиси Миан Сакиб Нисар, Россия Федерацияси Олий суди раиси Вячеслав Лебедев, Тожикистон Республикаси Олий суди раиси Шермухаммад Шохиён, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Камилов, шунингдек ШХТ Котибияти, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси, БМТнинг хавфсизлик ижроия директорати ҳамда кузатувчи давлатлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада тажриба алмашиш борасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, ШХТ доирасида одил судлов соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, судлар фаолиятига ахборот технологияларини татбиқ этиш, жинойт процессида қонунга ҳилоф равишда олинган далиллардан фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш, шунингдек товарлар халқаро олди-сотди шартномаларидан келиб чиққан низоларни судларда кўриб чиқиш масалалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг жиний ва фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширишга келишиб олгани жинойтчиликка қарши курашни янада кучайтиришда муҳим ўрин тутди.

Йиғилиш иштирокчилари ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик, ўзаро англашув, ШХТ Хартияси, ШХТга аъзо давлатларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги

шартнома ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотини 2025 йилгача ривожлантириш Стратегиясига мувофиқ минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга оширилаётганини таъкидлашди.

ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги биргаликдаги фаолиятни янада такомиллаштириш, адолат, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш учун муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Мажлисида терроризм, экстремизм, сепаратизм, одам савдосига қарши курашда судлар ўртасида халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Камилов мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясининг кафолатларини кенгайтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, одил судловга эришиш даражасини оширишда муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ушбу ислоҳотлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилганлиги эътироф этилди.

Тадбир якунида ШХТга аъзо давлатларнинг суд-ҳуқуқ соҳасида ўзаро ахборот алмашиш ва ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича келишувларга эришилди. Йиғилиш якунлари бўйича ШХТга аъзо давлатлар суд ҳокимияти олий органлари ҳамкорлиги истикболлари тўғрисида Қўшма баёнот имзоланди.

Йиғилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Камилов Хитой Халқ Республикаси Олий халқ суди раиси ва бош судьяси Чжоу Цян, Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси Ж. Асанов ҳамда ШХТ бош котиби Р. Алимов билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

**Олий суднинг
матбуот хизмати**

ОЛИЙ СУДДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Amnesty International» халқаро нодавлат ташкилотининг минтақавий директори М.Струтерз бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилгани таъкидланди. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Булар БМТ ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик Дастури ва БМТнинг Тараққиёт дастури мақсадларига тўла мос келади.

Хорижий меҳмонлар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири этиб суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

«Amnesty International» халқаро нодавлат ташкилоти делегацияси бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киририлган ўзгартиришлар натижасида республикада фуқаролик, жиноят, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилганлиги, одил судловнинг мақсадларига тўғри келмайдиган жиноят ишларини қўшимча терговга юбориш амалиёти тугатилганлиги ҳақида хабардор қилинди.

Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқ амалиётига тизимли ва босқичма-босқич татбиқ этиш, инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини мониторинг қилиш бўйича миллий тизим яратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларациясининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланган ва ушбу дастурда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси аъзоси бўлган Комиссия тузилган.

2018 йил 4 апрелда қабул қилинган «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун тўғрисидаги маълумотлар хорижий меҳмонларнинг эътиборини тортди.

Далилларни қалбакилаштирганлик учун жиноий жавобгарликнинг кучайтирилганлиги, шунингдек қонунга хилоф усуллар билан олинган далиллардан фойдаланишга қатъий тақиқ қўйилганлиги юқори баҳоланди. Мазкур чоралар адолатли, асослантилган ва қонуний қарорлар қабул қилишда судьяларнинг масъулиятини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Агарда 2012—2016 йилларда судлар томонидан 7 нафар фуқаро оқланган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 262 нафарни ташкил этган. Жорий йилнинг 22 май ҳолатига кўра судлар томонидан 205 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилган.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Концепциянинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, амалиётга жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш белгиланган.

Учрашувда томонлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишиб олишди.

Давлат солиқ хизмати органи жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошираётганлигини аниқлаганда қандай ҳаракатларни амалга оширади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 майда 2463-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 26 апрелдаги 41, 2013-24-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 5-бандига кўра, жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолатини аниқлаган давлат солиқ хизмати органи ходими икки иш куни давомида тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширган жисмоний шахсга мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаш тўғрисидаги талабномани белгиланган тартибда тақдим этади.

Агар жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жойи унинг доимий яшаш жойидан фарқ қилса, у ҳолда ушбу жисмоний шахсни аниқлаган давлат солиқ хизмати органи икки иш куни давомида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширувчи жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларни қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини ҳисоблаш учун жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига юборади.

* * *

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширган жисмоний шахс қанча муддатда қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаши ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 майда 2463-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 26 апрелдаги 41, 2013-24-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 7-бандига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширувчи сифатида аниқланган жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳолати аниқланган санадан бошлаб ўттиз кун ичида қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўлаши ёки ушбу муддат давомида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Агар давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширувчи сифатида аниқланган жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳолати аниқланган санадан бошлаб ўттиз кун ичида қатъий белгиланган солиқнинг йиллик суммасини тўламаган ва ушбу муддат давомида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўлмаган бўлса, у ҳолда қарз суммаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда ундирилади.

* * *

Кредит уюшмалари қандай асослар билан тугатилади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 майда 1815-сон билан рўйхатга олинган, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 32,36-бандларига биноан кредит уюшмасини ихтиёрий равишда тугатиш кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарори қабул қилинган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур қарорда тугатувчи — тугатиш комиссияси (унинг аъзолари таркиби) ёки жисмоний шахс (паспорти маълумотлари) (бундан кейинги ўринларда тугатувчи деб юритилади) кўрсатилади.

Тугатувчи кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишида уюшма Кенгаши таклифига мувофиқ тайинланади.

Кредит уюшмаси томонидан унинг ихтиёрий равишда тугатилаётганлиги тўғрисидаги кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарори ва лицензиянинг асл нусхаси Марказий банкка тақдим этилади.

Суд қарори асосида кредит уюшмаси кредиторларнинг талабини қондира олмаган тақдирда кредиторларнинг аризаси ёки банкротлик аломатлари мавжуд бўлганда кредит уюшмасининг мурожаатига мувофиқ банкрот деб тан олинади.

Кредит уюшмасининг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказий банкнинг кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганда, ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида Кенгаш кредит уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради, унда кредит уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва тугатувчи таркиби тасдиқланади. Тугатувчи таркиби тасдиқлангунга қадар кредит уюшмасининг барча молиявий операциялари тўхтатилади.

* * *

Тугатувчи (тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахс) кредит уюшмасини тугатишда қандай ҳуқуқларга эга бўлади?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 майда 1815-сон билан рўйхатга олинган, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 45-бандига асосан тугатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кредит уюшмаси активларини аниқлаш ҳамда тугатиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, мулк эгаси ва кредит уюшмаси бошқаруви органлари ваколатлари доирасида уларни тасарруф этиш;

кредит уюшмаси активлари ва мулкни захирага олиш;

кредит уюшмасининг ҳужжатлари ва мулки, шунингдек гаров таъминоти сифатида берилган бошқа мол-мулкларнинг бутлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

тугатиш жараёнини амалга ошириш учун ходимларни шартнома асосида ёллаш (кредит уюшмаси кредиторларининг бу жараёнга ходимлар сифатида жалб этилиши мумкин эмас);

тугатилаётган кредит уюшмасининг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, меҳнатга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

тугатилаётган кредит уюшмаси номидан судда қатнашиш;

депозитга пул қўйган кредит уюшмаси аъзолари ва кредиторларнинг талабларини қондириш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда тугатувчи кредит уюшмасининг мулкни сотиш;

кредит уюшмаси номидан талаблар қўйиш, кредит уюшмаси кредиторлари талабларининг қонунийлигини аниқлаш ва қонуний деб топилган талабларни қондириш.

**Олий суд катта консультанти
С. АСҚАРОВ тайёрлади**